Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 30-avgust, shanba № 107-108 (3457)

Кимки бизнинг куч-қудратимизни, халқимизнинг азму шижоатини, қандай буюк ишларга қодир эканини кўрмоқчи бўлса, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларимизни келиб кўрсин.

Ислом КАРИМОВ

Озод мамлакатга ободлик ярашади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди

Халқимиз ҳар йили Мустақиллик байрамини улкан ютуқлар, муваффақиятлар билан кутиб олади. Энг улуғ, энг азиз айёмга муносиб туҳфа ҳозирлаш, юртимизни янада обод ва фаровон этиш мақсадида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилади.

Бу йил ҳам улуғ байрамимиз арафасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида янги саноат корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, санъат ва спорт кошоналари, турар жойлар, йўллар, кўприклар қуриб битказилди. Халқимизга хос эзгу анъаналарга мувофиқ бу иншоотлар хосиятли ва хайрли кунларда — Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов 29 август куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Тошкент мамлакатимизнинг бош шаҳри, юртимизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоён этган пойтахтимиздир. Президентимиз раҳнамолигида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда. Шаҳар ўзининг тарихий жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, замонавий қиёфага эга бўлмоқда, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида муттасил ривожланиб бормоқда.

Пойтахтимизда миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида барпо этилаётган иншоотлар, йўллар, йўл ўтказгичлар, кўприклар бунинг ёрқин намоёнидир.

Президентимиз Шайхонтоҳур туманининг Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчалари кесишган чорраҳада бунёд этилган янги замонавий кўприкни бориб кўрди. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси ҳузуридаги «13-кўприк-қурилиш» трести бунёдкорлари томонидан барпо этилган ушбу транспорт боғламаси автомобилларнинг ҳаракатланиши учун кенг қулайлик яратади. Кўприкнинг узунлиги 642, эни 19 метр.

Давлатимиз раҳбари бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, улар юксак маҳорат, чуқур билим, юқори технологиялар асосида амалга оширилганини алоҳида қайд этди.

Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчалари кесишган жойда транспорт тиғизлиги автомобиллар ва пиёдаларга ноқулайлик туғдирар эди. Янги бунёд этилган кўприк бу муаммоларга барҳам бериш билан бирга, автомобиллар ҳаракатининг узлуксизлигини ва хавфсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Шаҳар қиёфасининг ўзгаришида кўприкларнинг ўрни катта. Экология нуқтаи назаридан ҳам бу муҳим аҳамиятга эга. Яъни, автомобил ёнилғисининг кўп ишлатилиши ҳавони бузади. Бир жойда транспорт тиғизлиги юз берса, бошқа жойга ҳам таъсир кўрсатади. Кўприклар ана шу муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутади.

Бунёдкорлик ишларининг узвий давоми сифатида Абдулла Қодирий кўчасига туташ кўчалар кенгайтирилди, собиқ «Динамо» спорт дўкони ўрнида замонавий савдо мажмуалари қад ростлади. Шаҳар ландшафтининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган Анҳор каналига туташ кўчалар, майдон ва хиёбонларда яшил ҳудудлар кенгайтирилди.

Президентимиз мазкур ҳудудда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, ушбу кўприкда йилнинг тўрт фаслида ҳам транспорт воситаларининг бемалол ҳаракатланиши учун муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини янада такомиллаштириш, замонавий ландшафт дизайни асосида ободонлаштирилган ҳудудларни кўпайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Юртбошимиз Абдулла Қодирий ва Себзор кўчалари кесишадиган майдонда бўлиб, бу ерда бунёд этиладиган йўл ўтказгич лойиҳаси билан танишди.

Ушбу чорраҳада саккиз қаторли иккита йўл кесишган. Атрофда банк биноси, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи, савдо мажмуалари, кўп қаватли уйлар жойлашган. Шу боис бу ер ҳамиша гавжум, кўчалар серқатнов бўлади.

(Давоми 2-саҳифада).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиб турибди. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Қуйидагилар ўз қутловларини йўллашган:

Пан Ги Мун — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби

Елизавета II — Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироличаси

Пак Кин Хэ — Корея Республикаси Президенти

Си Цзиньпин — Хитой Халқ Республикаси Раиси

Барак Обама — Америка Қўшма Штатлари Президенти

Пранаб Мукержи — Ҳиндистон Республикаси Президенти

Владимир Путин — Россия Федерацияси Президенти

Жозе Мануэль Баррозо — Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти

Абдулла бин Абдулазиз Ол Сауд — Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи

Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд — Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси ўринбосари, Мудофаа вазири

Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён — Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири

Ҳасан Руҳоний — Эрон Ислом Республикаси Президенти

Филипп — Бельгияликлар Қироли

Анибал Антонио Кавако Силва — Португалия Республикаси Президенти

Андрей Киска — Словакия Республикаси Президенти

Росен Плевнелиев — Болгария Республикаси Президенти

Андрис Берзиньш — Латвия Республикаси Президенти

Александр Лукашенко — Беларусь Республикаси Президенти

Алмазбек Атамбаев — Қирғизистон Республикаси Президенти

Чионг Тан Шанг — Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти

Махинда Ражапакса — Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси Президенти

Ким Ен Нам — КХДР Олий Халқ Мажлиси Президиумининг Раиси

Папа Франциск — Рим-католик черкови раҳбари

Сергей Лебедев — МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи Котиби

Томас Кунце — Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг Марказий Осиё бўйича минтақавий вакили

Викентий — Тошкент ва Ўзбекистон Митрополити, Ўрта Осиё митрополия округи раҳбари

Борис Қандов — АҚШ ва Канада Бухоро яҳудийлари конгресси Президенти

Абдулла Хўжа — Туркистонликларнинг Америкадаги жамияти раиси

Юрий Штерк — Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикасидаги делегацияси раҳбари, элчи

Стефан Приснер — БМТнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий вакили

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлиснинг иккинчи кунини **Тошкент шаҳар Ҳамза туманининг номини ўзгартириш тўғрисида**ги масалани муҳокама қилишдан бошладилар. Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ тайёрланганлиги ва киритилганлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу масала Тошкент шаҳри аҳолиси ўртасида, фуқаролар йиғинлари фаолларининг, жамоат ташкилотлари вакилларининг, хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар вакилларининг мажлисларида олдиндан муҳокама қилинди. Сенаторлар масалани ҳар томонлама муҳокама қилганларидан кейин ҳукумат таклифи, кенг жамоатчилик муҳокамаси жараёнида билдирилган фикр ва таклифларни умумлаштириш материаллари, географик объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш масалалари бўйича ҳудудий ва республика комиссиялари томонидан тайёрланган хулосалар асосида Тошкент шаҳар Ҳамза туманининг номини Яшнобод тумани деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шундан кейин сенаторлар **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раисини ва раиси ўринбосарини сайлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раисини сайлаш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги** масалаларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатларига киритилган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Сенаторлар кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами бўлган Мустақиллиқнинг йигирма уч йиллиги арафасида бўлиб ўтган икки кунлик ялпи мажлис давомида сенаторлар 15 та масалани, шу жумладан, 4 та қонунни кўриб чиқдилар.

Сенаторларнинг фикрича, қабул қилинган қонунлар мамлакатимизни янада модернизация қилиш борасидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим омили бўлади. Қабул қилинган **«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги** Ўзбекистон Республикаси қонуни давлат ҳокимиятини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ишида катта аҳамиятга эга бўлади. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўёбга чиқариш доирасида тайёрланган ушбу қонун мамлакат ҳаётининг турли соҳаларидаги долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда ННТлар давлат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлик қилишининг самарали ҳуқуқий механизмлари тизимини яратади. Уни ишлаб чиқиш жараёнида, шу жумладан, миллий ва халқаро даражалардаги турли анжуманлар доирасида кенг жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди.

(Давоми 2-саҳифада).

«Биз ўз олдимизга қўйган буюк марраларни эгаллаш йўлида кундалик ҳаётимизда амалга ошираётган, бутун дунё тан олаётган режа ва дастурларимиз, ўсиш суръатларимиз, кундан-кунга қиёфаси ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган гўзал ва бетакрор она юртимиз, энг муҳими, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан тиллашув ва беллашувга тайёр бўлиб, тобора ҳал қилувчи куч даражасига кўтарилаётган сиз, азиз ёшларимиз, фарзандларимиз билан биз кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз».

Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас

Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида 28 нафар ёш спортчимиз бадиий гимнастика, бокс, дзюдо, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), трамполин, ўқ отиш, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ташкил этилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб **4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритди.**

(Давоми 3-саҳифада).

Нанкин — 2014

Қудратли юртнинг муносиб фарзандлари

Мамлакатимиз истиқлоли байрами арафасида ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этган ёш спортчиларимиз халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Ватанимиз давлат мустақиллигининг 23 йиллигига муносиб туҳфа ҳозирлади. 29 август куни Тошкент халқаро аэропортида ушбу нуфузли мусобақа ғолиблари, совриндорлари ва иштирокчиларини кутиб олиш маросими бўлди.

Шу муносабат билан бу ерга давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, спортчилар, олимпиадачиларнинг отаоналари, журналистлар йиғилди.

Жорий йилнинг 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган II ўсмирлар Олимпиадасида ёш спортчиларимиз жаҳоннинг 170 давлатидан йиғилган 3500 нафардан зиёд тенгдошларига, бутун дунёга ўз сўзини айта олди, жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган не-не улуғ зотларнинг муносиб ворислари, Ўзбекистондек буюк юртнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч қачон кам бўлмайдиган фарзандлари эканини исботлади.

Кескин ва муросасиз беллашувларда зафар қучган спортчиларимизнинг мардлиги, жасорати, шижоату матонати дунё аҳлини лол қолдирди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, уларнинг бундай юксак муваффақияти мамлакатимиз мустақиллиги, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун яратилаётган кенг имкониятлар туфайлидир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, болалар спортини ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, улар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш ва бунинг учун кенг имконият ва зарур шароитларни яратишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Бунинг самарасида жисмонан ва маънан соғлом, жаҳон ареналарида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш, манаман деган давлат вакиллари билан мусобақалашишга қодир спортчилар тарбияланмоқда.

Бу жиҳатлар Нанкин Олимпиадасида яна бир карра ўз исботини топди. Мазкур нуфузли спорт анжуманида 28 нафар спортчимиз бадиий гимнастика, бокс, дзюдо, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), трамполин, ўқ отиш, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ташкил этилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритди.

(Давоми 3-саҳифада).

Ishonch
2014-yil 30-avgust № 107-108 (3457)

Озод мамлакатга ободлик ярашади

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ўтган асрнинг 70-йилларида бу майдонда табиий омиллар ҳисобга олинмай, пала-партиш экиб ташланган дарахтлар бугунги кунда аҳолига ноқулайликлар туғдирмоқда. Йўлнинг ўртасидаги бу майдондан бугун мақсадли фойдаланилмаётгани, ўртадаги майдоннинг кенглиги сабабли бинолар йўлга жуда яқин жойлашганлиги транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракатланишига халақит бераётир.

Бу ерда қуриладиган янги йўл ўтказгич тирбандликнинг олдини олиб, аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қулай имкониятлар яратади.

Бутун мамлакатимизда, жумладан, пойтахтимизда транспорт воситалари тобора кўпайиб бормоқда. Бу одамларимизнинг турмуш даражаси юксалаётгани, эл-юртимиз йилдан-йилга фаровонлашаётганининг исботидир. Зеро, кенг қўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам аҳоли турмуш даражасини ошириш, манфаатларини тўла таъминлашдир.

Юртбошимиз Абдулла Қодирий кўчасини кенгайтириб, саккиз тасмали йўлга айлантириш, мазкур ҳудуддаги кўп қаватли уйларда яшаётган аҳолининг дам олиши учун имконият яратиш, мўътадил иқлимни таъминлаш мақсадида фаввораларни бунёд этиш кераклигини таъкидлади.



Кўприклар, йўллар ва бошқа иншоотларни қуришда нафақат бугунги кунни, балки келажак авлодлар манфаатларини ҳам инобатга олган ҳолда иш тутиш зарур, деди Ислом Каримов.

Давлатимиз раҳбари Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларида қурилган янги йўлни бориб кўрди.

Йўл — иқтисодиётнинг қон томири, муҳим коммуникация воситаси. Йўллар равон бўлган жойда ҳаёт фаровон бўлади, барча соҳалар равнақ топади. Буни мамлакатимизда транспорт тизими изчил яхшиланаётгани, иқтисодиёт ривожи ва халқимиз фаровонлиги ошиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча йирик шаҳарларида ҳалқа йўллар қурилмоқда. Мавжудлари кенгайтирилиб, транспорт ҳаракати ва аҳоли учун қулайликлар яратилмоқда.

Пойтахтимизда яна бир янги йўлнинг қурилиши бу борадаги ишларнинг изчил давомидир. 5,1 километрлик бу йўл Олмазор туманидаги Беруний кўчасидан бошланиб, Шайхонтоҳур туманидаги Хуршид кўчасига қадар давом этади. Форобий, Сағбон, Қорасарой, Себзор ва Лабзак каби катта кўчаларни ўзаро боғлайди.

Илгари Тошкентнинг барча қисмида, хусусан, Эски шаҳарда уйлар, бозорлар пала-партиш қуриб ташланган. Оқибатда тор, эгри-бугри кўчалар ҳосил бўлган. Бу транспорт ҳаракатини қийинлаштириб, ҳайдовчи ва йўловчилар ортиқча вақт йўқотишига, ёқилғи сарфи ошиб, атроф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлган.



Давлатимиз раҳбари ғояси ва лойиҳаси асосида қурилган мазкур янги йўл бундай ноқулайликларни бартараф этади. Ҳар бир томони 4 тасмали кенг ва равон бу кўча ҳудудда транспорт ҳаракатини енгиллаштиради.

Президентимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишар экан, йўлсоз ва қурувчиларнинг меҳнатига юқори баҳо берди.

— Эски шаҳар аҳолиси асрлар давомида шундай қийин шароитларда яшаб келган, бу муаммони ҳеч ким ўйламаган, — деди Ислом Каримов. — Бу масалани атрофлича ўрганиб, Эски шаҳарнинг бош режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, бу ерда янги йўллар, кўприклар, замонавий уйлар, коммуникациялар барпо этилади. Бу ишларимизнинг дастлабки самарасини халқимиз кўриб турибди. Ушбу янги йўл аҳоли учун катта қулайлик яратиш билан бирга, Эски шаҳарни ҳамма ҳавас қиладиган замонавий шаҳарга айлантириш борасидаги ишларга кенг йўл очади.

Йўл билан параллел равишда барча коммуникациялар ва муҳандислик инфратузилмаси бунёд этилган. Келгусида йўл атрофида замонавий уй-жойлар, ижтимоий объектлар қурилиши режалаштирилган. Президентимизнинг тавсиясига мувофиқ, кўп қаватли уйлар қурилишида шамол йўналиши, қуёш нурининг қандай тушишигача ҳисобга олинган. Лойиҳага кўра, турар жойлар уч ва беш қаватли бўлади. Чорраҳаларда фаввора ва гулзорлар, Калковуз ариғи бўйида сайилгоҳ барпо этилади.

Президентимиз пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида истиқомат қиладиган аҳолининг эмин-эркин яшаши, мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитларни яратиш, йўл четларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Юртбошимиз раҳнамолигида навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Спортнинг барча турлари қатори шахматни изчил ривожлантиришга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасида ўзбек шахмат мактабининг жаҳондаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда.

Бугун ўзбек шахматчилари қитъа ва жаҳон чемпионатлари, жаҳон шахмат олимпиадаси, Осиё ўйинларида мунтазам юқори ўринларни эгаллаб, мамлакатимизда вояга етаётган ёш авлод дунёда ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаслигини исботлаб келмоқда. Шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, ўзбек қизлари ўртасида биринчи халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова каби шахматчиларимизни бугун бутун дунё биларди. Жорий йилнинг июн ойида Грециянинг Кавала шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида шахматнинг рапид ва блиц йўналишлари бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ёш шахматчиларимиз Исломбек ва Жавоҳир Синдоровлар иккитадан олтин медални қўлга киритиб, Ўзбекистон ёшларининг ақл-заковати, истеъдод ва салоҳиятини бутун дунёга намоён этди. Пойтахтимизда 12 ёшгача ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ёш шахматчиларимиз 6 олтин, 4 кумуш ва 4 бронза медални қўлга киритди. Шахмат бўйича жаҳон чемпионлари Нодирбек Абдусатторов ва Исломбек Синдоров, иқтидорли шахматчиларимиздан Абдулбосит Шарифжонов, Оқжол Раҳматуллаев, Нодирбек Ёқуббоев, Мафтуна Бобомуродова шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, қитъа чемпиони шарафига муяссар бўлди.

Ана шундай ёш иқтидорлар сафини янада кенгайтириш, юртимизда шахматни изчил оммалаштириш, ўзбек шахматининг ёрқин келажагини таъминловчи истеъдодли спортчиларни тарбиялаш мақсадида Тошкентда шахмат бўйича ихтисослаштирилган республика болалар ва ўсмирлар спорт мактаби барпо этилди.

Президентимиз бу ерда амалга оширилган ишлар билан танишди.

Шахмат кишидан юксак ақл-заковат, сабр-матонат ва ирода талаб қиладиган ғоят мураккаб спорт тури. Мазкур мактаб келажакда халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир иқтидорли ва истеъдодли шахматчиларни тарбиялаш учун мўлжалланган. Бу ерда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўқувчи-ёшлар дарсдан бўш вақтларида шахмат сабоқларини ўрганиши, ўз маҳоратини ошириши мумкин. Мазкур иншоот ўқув-машғулот хоналари, спорт зали, ошхона каби бўлимларни ўз ичига олган. Ўқув-машғулот хоналаридаги электрон шахмат тахталари халқаро андозаларга мос. Мактабда ўқувчилар учун махсус дам олиш хонаси мавжуд.

Бу ерда шахматчиларнинг ўйин амалиётидаги тажриба-маҳоратини ошириш учун шахмат заллари барпо этилган. Ушбу залларда бир вақтнинг ўзида қарийб юз нафар шахматчи ўзаро баҳслашиши мумкин.

Мазкур мактабга болалар танлов асосида саралаб олинади. Уларга тажрибали, профессионал мураббийлар сабоқ беради.

Интернетга эга компьютерлар билан жиҳозланган хонада ўқувчилар чет эллик ёш шахматчилар билан он-лайн тизимда шахмат бўйича беллашиш ва ўз тажрибасини янада ошириш имконига эга.

Президентимиз мактабда сабоқ оладиган ўғил-қизларнинг шахмат бўйича маҳоратини ошириш, уларнинг эркин ижод қилиши учун янада қулай шароит яратиш борасида зарур тавсиялар билдирди. Ушбу бино ёнида халқаро миқёсдаги йирик мусобақалар ўтказишга мўлжалланган, миллий руҳ акс этган янги иншоот барпо этиш лозимлигини қайд этди.

ЎзА суратлари

Мазкур даргоҳда яратилган кенг имкониятлар, машғулотларнинг юқори савияда, энг илғор усуллар асосида олиб борилиши ёш шахматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтириши ҳамда келгусида ўз билими, истеъдоду иқтидори билан мамлакатимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишга қодир спорт усталарини тарбиялаб бериши шубҳасиз.

Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг янги биносини бориб кўрди.

Мамлакатимизда давлат бошқарувини демократлаштириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида давлат бошқаруви соҳасида замонавий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бу борадаги таянч таълим муассасасидир. Академияда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, иқтисодиётни бошқариш тизимини либераллаштиришга йўналтирилган ислоҳотларни амалга оширишга қодир етук кадрлар тайёрланмоқда.

Академияда таълим жараёни мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш вазифаларини, халқаро таълим стандартлари ва талабларини, таълимнинг замонавий шакллари ва услубларини ҳисобга олган ҳолда, илғор педагогик, ахборот-коммуникацион ва инновацион технологияларни қўллаш орқали давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари асосида амалга оширилмоқда. Академияда «Маънавият ва маърифат» ҳамда Ахборот-ресурс марказлари ташкил қилинган. Ушбу марказлар барча зарур замонавий ускуналар, ахборот-коммуникация, телекоммуникация воситалари ва технологиялари билан жиҳозланган, давлат ва жамият бошқаруви масалаларига бағишланган ўқув, илмий ва методик адабиётлар билан тўлдирилган.

Ахборот-ресурс марказида академия ходимлари, тингловчилари ва барча фойдаланувчиларнинг мустақил таълим олиши учун зарур шароит ва имконият яратилган. Марказ фондида ўзбек, рус, инглиз тилларидаги адабиётлар, матбаа нашрлари ва уларнинг электрон шакллари мавжуд. Ахборот-ресурс маркази залида Wi-Fi тармоғидан мунтазам равишда фойдаланиш мумкин. Бу ерда хориждаги кутубхоналар электрон ресурсларидан тўғридан-тўғри фойдаланиш имконияти яратилган.

Президентимиз ташаббуси билан Давлат бошқаруви академияси биноси замонавий меъморлик ва технологик талабларга мувофиқ тўлиқ реконструкция қилинди.

Ислом Каримов академия биноси, у ердаги конференция заллари, Ахборот-ресурс марказида яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, бу ердаги илмий, амалий ва ташкилий муҳитни янада такомиллаштириш бўйича зарур тавсиялар берди.

— Мазкур академия нафақат илм оладиган жой, балки тажриба ва ҳаёт билан боғлиқ таълим даргоҳидир, — деди Президентимиз. — Бу академияни битирган ҳар қандай киши давлат бошқарувига лойиқ бўлиши лозим. Бунинг учун халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, бу борада ривожланган мамлакатлар давлат бошқаруви тизимини ўрганиш, тажриба алмашиш керак.

Мазкур мажмуада учта конференция ва катта кўргазма зали, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ўтказишга мўлжалланган ўнта зал, спорт майдони мавжуд. Улар барча зарур техника ва жиҳозлар билан таъминланган.

Академиянинг ўқув биноси ва ётоқхонаси қулай мебел, ўқув қуроллари, компютерлар билан жиҳозланган. Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти яратилган.

Академиянинг Давлат ва жамият бошқаруви ҳамда Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш факултетларида давлат бошқаруви ва жамият бошқаруви мутахассисликлари бўйича икки йиллик таълим дастурлари асосида бошқарув кадрлари тайёрланмоқда. Муассасага қабул олий маълумотга, давлат ва жамият бошқаруви тизимида уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга номзодлар орасидан танлов асосида амалга оширилаётир. Академияда ўқув, методика, илмий-тадқиқот ҳамда ахборот-таҳлилий фаолиятларининг барча турлари олиб борилади. Битирувчиларнинг меҳнат фаолияти ва касб ўсишлари юзасидан доимий мониторинг ташкил қилиниб, давлат ва жамият бошқаруви соҳасидаги кадрларни танлаш, тарбиялаш ва тақсимлаш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тайёрланмоқда.

Академия АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Сингапур, Озарбайжон каби қатор давлатларнинг илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, БМТ, ОТБ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Ташкилот томонидан ўқитувчилар, ходимлар ва тингловчилар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, олий таълим ва илмий муассасаларга, шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг илмий муассасаларига амалиёт ўташга юборилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараларидир. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида юртимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган замонавий иншоотлар Ватанимиз юксак иқтисодий салоҳиятининг амалдаги ифодаси бўлиб, халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Олиб борилаётган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланган **«Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган ушбу қонун бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасида товар-хомашё ва молия биржаларини тартибга солиш механизмларининг самарадорлигини оширишга, биржа битимлари қатнашчиларининг кафолатларини кучайтиришга, хўжалик юритувчи субъектлар товар-хомашё ва молия биржаларида кенг иштирок этишини таъминлашга хизмат қилади.

Сенаторлар бозор рақобати шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган **«Тижорат сири тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини ҳам кўриб чиқдилар ва маъқуллашдилар.

Ялпи мажлис қатнашчилари Сенат томонидан маъқулланган қонунлар ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳаларидаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ишида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Хусусан, **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонунида сайлов қонунчилигини, ахборот-коммуникация соҳаси, жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари амал қилишининг ҳуқуқий асосларини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишни янада такомиллаштиришни назарда тутади.

Сенаторлар ўзлари томонидан маъқулланган қонунлар аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришнинг, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонликнинг муҳим омили бўлади деб ишонч билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **қарор қилади:**

1.Бахтияр Шамсутдинович **Мирбабаев** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси этиб сайлансин ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари лавозимидан озод қилинсин.

2.Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 29 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **қарор қилади:**

1.Буритош **Мустафаев** Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси лавозимидан озод қилинсин.

2.Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 29 август

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **қарор қилади:**

1. Шаюнус Аюбджанович **Газиев** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси этиб сайлансин ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари лавозимидан озод қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 29 август

Ishonch
2014-yil 30-avgust № 107-108 (3457)







Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмас

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил Наманган вилоятида ўтган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригидаги сўзлар ёшларимизнинг турли халқаро мусобақалар, жумладан, Хитойнинг Нанкин шаҳрида 11-28 август кунлари бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида юқори натижаларга эришишида кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, уларни ғалаба сари руҳлантирди.

Халқаро Олимпия қўмитаси томонидан жаҳон ёшлари ўртасида олимпия ҳаракатини кенг тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш орқали навқирон авлодни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, истеъдодларни аниқлаш ва уларни катта спортнинг юксак чўққиларини забт этишга тайёрлаб бориш мақсадида ташкил этилган мазкур нуфузли спорт анжумани дунё халқларининг ўз салоҳиятини намоён этиши, ғурур ва ифтихорини юксалтиришда ўзига хос восита бўлиб хизмат қилди.

Қарийб икки ҳафта давомида жаҳоннинг 170 та давлатидан 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган 3500 дан зиёд ўсмирлар спортнинг 28 тури бўйича ғолиблик учун куч синашди. Дунё аҳли II ўсмирлар Олимпиадасини катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатгани, ўз давлатининг спортчиси ғалабаси нашидасини татиб кўргани, унинг муваффақиятини худди ўзиникидек қабул қилгани шубҳасиз. Зеро, спорт — одамларни бирдамликка чақирадиган, ҳар қайси миллат ва халқнинг жаҳон майдонидаги обрў-эътиборини юксалтирадиган қудратли кучдир.

Бугун спортчиларимиз жаҳон ареналарида ўз она Ватани — мустақил Ўзбекистон номидан қатнашаётганидан қанчалик фахрланаётган бўлса, халқимиз ҳам уларнинг юксак ғалабаларидан шунчалик ғурурланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида ҳамда Ватанимиз салоҳиятини дунёга намоён қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Жумладан, Республика Президенти ташаббуси билан спортнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳанинг ривожланиши учун халқаро стандартлар талаблари даражасида асос яратиш мақсадида 2002 йилда Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинди. Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан мамлакатнинг барча ҳудудларида спортни ривожлантириш учун 1 триллион 76 миллиард сўмликдан ортиқ маблағ сарфланди, 1979 та замонавий, муҳташам спорт иншоотлари барпо этилди.

Шу кунларда ҳам юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий, зарур шароитларга эга спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, сузиш ҳавзалари, стадион ва спорт манежлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Аҳоли, айниқса, ёшлар, болалар ва хотин-қизларни жисмоний тарбия, спорт ва соғлом турмуш тарзига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Натижада, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бугун мамлакатимизда 2 миллиондан зиёд бола спортнинг 30 дан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Мамлакатимизда 2003 йилда жами ўқувчи-ёшларнинг 20,4 фоизи спорт билан шуғулланган бўлса, ҳозир бу рақам 45 фоиздан ошиб кетди.

Бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар ўғил-қизларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Рақамларга эътибор берайлик, кейинги беш йил мобайнида 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўткир респиратор вирус инфекциялари билан касалланиш – 9,7 фоизга, пневмония билан – 49,1, бронхит билан – 32,8, сколиоз билан касалланиш – 32,7 фоизга пасайган. Бу бежиз эмас, албатта! Зеро, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш, таълим, спорт сингари соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида аҳоли, айниқса, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом, ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш мақсади мужассамдир.

Мамлакатимизда ўғил-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, уларнинг иқтидорини юзага чиқаришнинг муҳим воситаси: таълим тизимидаги дунё мамлакатларида ўхшаши бўлмаган уч босқичли спорт ўйинлари — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари жорий қилиниб, ҳудудларда мунтазам ташкил этилмоқда. «Кичик Олимпиада» мақомини олган бу мусобақалар бугун минглаб спортсевар ёшларимизга бир олам қувонч, ғалаба нашидасини, унутилмас лаҳзаларни ҳадя этадиган, уларнинг орзуларини рўёбга чиқарадиган, пировардида ҳаёт йўлини белгилаб берадиган том маънода ёшлик ва баркамоллик байрамига айланди.

Бундай эътибор ва ғамхўрлик самарасида юксак мақсадлар сари курашадиган, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, жаҳон аҳлига **Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини исботлай** оладиган спортчиларнинг янги авлоди вояга етмоқда.

Нанкин Олимпиадасида 28 нафар ёш спортчимиз бадиий гимнастика, бокс, дзюдо, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), трамполин, ўқ отиш, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ташкил этилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди.

Ўзбекистонлик ёш спортчиларнинг нуфузли мусобақада муваффақиятли қатнашишида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори муҳим омил бўлди.

Ҳар қандай мамлакатнинг нуфузли спорт мусобақасида эришган натижалари аввалги мусобақалар билан таққосланади ва бу қиёс ўша давлатда спортнинг қай даражада ривожланаётганини белгилаб беради. 2010 йили Сингапурда ўтган I ўсмирлар Олимпиадасида 21 нафар спортчимиз иштирок этиб, 3 кумуш ва 6 бронза медал билан тақдирланган бўлса, бу йилги спорт анжуманида 28 нафар олимпиячимиз қатнашиб, илк бор 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритди. Яна бир мисол, 2010 йили Сингапур Олимпиадасига йўлланма олган спортчиларимиз асосан пойтахт ва еттита вилоятдан терма жамоага сараланган ёшлар бўлса, бу йилги Олимпия ўйинларига йўл олган ёшлар юртимизнинг деярли барча ҳудудларидан сараланган иқтидорли спортчилардир. Бу жойларда «оммавийликдан — профессионалликка» тизими яхши йўлга қўйилганидан далолатдир. Бу мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто энг олис қишлоқларида ҳам спортни ривожлантириш кенг йўлга қўйилгани натижаси ва истиқлол берган имконият самарасидир.

Дунёда етакчилардан ҳисобланган ўзбек бокс мактабининг ёш вакили, фарғоналик Бектемир Меликўзиевнинг эришган натижасига бугун дунё ёшлари ҳавас қилмоқда. Бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпиони бўлган умидли боксчимиз энди ўсмирлар Олимпия ўйинлари олтин медалини ҳам қўлга киритди.

Ушбу Олимпиаданинг сўнгги кунида ўтказилган вазни 69 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари баҳсида рингга чиққан Бектемир ярим финалда беларуслик Иляс Адзинаевни, финалда Доминикан Республикаси вакили Хуан Соланони мағлубиятга учратиб, ўз вазнида дунёда тенгсиз эканини яна бир карра исботлади.

— Ҳар қандай йирик мусобақада жонажон Ватан шарафини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчининг энг эзгу орзусидир, — дейди Бектемир Меликўзиев. — Биз, ёшларнинг Нанкин Олимпиадасида эришган улкан ютуқларимиз Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайлидир. Биз ғалабамизни энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишлаймиз.

Нанкин Олимпиадасининг юнон-рум кураши бўйича вазни 50 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида иштирок этган, юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпиони, самарқандлик Илҳом Баҳромов ҳам делегациямиз ҳисобига олтин медал келтириб, мухлису мутахассислар ишончини оқлади. Умидли спортчимиз саралашда жазоирлик Ҳусам Бунасрий, бразилиялик Калебе Феррейра Коррея, Маршалл ороллари вакили Кайсер Мюллерни мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи баҳсда озарбайжонлик Жаббор Нажафов билан куч синашган полвонимиз рақибини 3:1 ҳисобида енгиб, олтин медалга сазовор бўлди.

— Ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлаганимиздан хурсандмиз, — дейди Илҳом Баҳромов. — Ҳар бир беллашув олдидан миллионлаб юртдошларимизнинг қўллаб-қувватлашини ҳис қилиб турдик, бу бизга кучғайрат ва шижоат бағишлади.

Бугун халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган Ришод Собиров, Шуҳрат Арслонов, Яҳё Имомов сингари тажрибали дзюдочиларимиз сафига яна бир янги истеъдод соҳиби қўшилди. Нанкин Олимпиадасида муваффақиятли иштирок этган дзюдочи, сурхондарёлик Суҳроб Турсунов 66 килограммгача бўлган полвонлар ўртасида учинчи, жамоавий беллашувларда эса биринчи ўринни эгаллади.

Яна бир вакилимиз Владимир Свечников 10 метр масофадан тўппончадан ўқ отиш бўйича микст баҳсларида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, таэквондо (WTF) бўйича ўтказилган беллашувларда иштирок этган ҳамюртимиз Умида Абдуллаева вазни 63 килограммдан оғир бўлган таэквондочилар ўртасида иккинчи, Сулаймон Латипов вазни 49 килограммгача бўлган боксчилар беллашувида кумуш, спорт гимнастикаси бўйича баҳсларда қатнашган Тимур Қодиров бронза медалини қўлга киритди.

Сўнгги йилларда ўзбекистонлик оғир атлетикачиларнинг жаҳон ареналарида қўлга киритаётган ютуқлари сони ортиб бормоқда. Бу мамлакатимизда ушбу спорт турини ривожлантириш, ёш истеъдодларни кашф этиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг самарасидир. Масалан, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нурудинов эришаётган натижалар халқаро спорт жамоатчилиги томонидан юксак эътирофга сазовор бўлаётир. Унга ҳавас қилган хоразмлик Фарҳодбек Собиров ва наманганлик Адҳамжон Эргашев II ўсмирлар Олимпиадасида муносиб иштирок этиб, ўз вазн тоифасида кумуш ва бронза медал билан тақдирланган оғир атлетика бўйича нуфузли мусобақаларда қўлга киритилажак ютуқлар салмоғи янада ортишидан далолатдир.

Юнон-рум кураши бўйича Абубакр Алимов, аёллар кураши баҳсларида қатнашган Шаҳодат Жўллибоева, спорт гимнастикаси бўйича Вероника Орлова, бадиий гимнастика бўйича шахсий кўпкураш баҳсларида иштирок этган Анора Давлатова, гуруҳ баҳсларида қатнашган Комила Рустамова, Карина Тоғаева, Сабрина Рамазонова, Гўзал Райманова ва Ирина Салех, боксчи Козимбек Мардонов, оғир атлетикачи Комила Абдуллаева, эшкак эшиш бўйича Шаҳбоз Абдужабборов, Артур Гулиев ва Юлдуз Кульговая, ўқ отиш бўйича Вадим Скороваров, сузиш бўйича Артем Пухнатий ва Андрей Правдивцев, стол тенниси баҳсларида иштирок этган Регина Ким ва трамполин бўйича Амиран Бабаян учун Нанкин Олимпиадаси тажриба ва маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг ёш спортчилари ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида ўз маҳорати, тажриба ва салоҳиятини кенг намоён этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Спортчиларимизнинг Нанкин майдонларида қўлга киритган ютуқлари халқимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига муносиб совға бўлди.

Катта спортга энди қадам қўяётган ёш олимпиячиларимизни келгусида янада нуфузли мусобақалар кутиб турибди. Улар келажакда бундан-да юксак ғалабаларга эришиб, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлаши шубҳасиз.

ЎзА.
ЎзА суратлари

Қудратли юртнинг муносиб фарзандлари

(Давоми.Бошланиши 1-саҳифада).

— Ўғлим Илҳом Олимпиадага кетиш олдидан албатта олтин медал билан қайтаман, деб ваъда берганди, — дейди Исмоил Мустафоев. — У ваъдасининг устидан чиқиб, юзимизни ёруғ қилди. Ўғлимнинг бу ғалабаси бутун халқимизнинг ютуғи, истиқлол берган кенг имкониятлар, Юртбошимиз ғамхўрлигининг самарасидир. Мамлакатимиз мустақил бўлмаганда ўғлим шундай катта мусобақаларда манаман деган давлат вакиллари билан беллашиш имконига эга бўлармиди?! Ғалаба қозонишини-ку тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли мамлакатимиз барча соҳаларда жадал суръатларда ривожланаётган, кенг имконият ва катта салоҳиятга эга давлат сифатида жаҳонга танилди. Биргина спорт соҳасини олиб қарайлик. Бир пайтлар бизга менсимай қараганлар, атайин ё билмай Ўзбекистон номини адаштириб юрганлар энди спортчиларимизга тан бермоқда, уларнинг ютуқлари сирини ўрганишга ҳаракат қилмоқда. Давлатимиз номи, мадҳияси баралла янграб, байроғимиз мағрур ҳилпираганида беихтиёр ўрнидан туриб, олқишламоқда.

— Ўсмирлар Олимпиадасини катта ҳаяжон билан кузатиб бордик, — дейди Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Отабек Собитов. — Очиғи, ушбу нуфузли мусобақада юксак муваффақиятга эришган тенгдошларимга жуда ҳавасим келди. Спортчиларимизнинг оламшумул ғалабаси биз, ёшларнинг ўзимизга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлаб, янги-янги марралар сари дадил қадам ташлашимизда кўтаринки руҳ бағишламоқда.

...Мана, орзиқиб кутилган дамлар — Ўзбекистонимиз байроғи тасвири туширилган улкан ҳаво кемасидан қўлларида Ватанимиз байроғини мағрур кўтарган спортчиларимиз чиқиб келмоқда. Карнай-сурнай садолари ёшларнинг «Ўзбекистон!» деган такрор ва такрор ҳайқириғига уланиб кетади. Кутиб олиш майдончасида ҳаяжон билан турган уларнинг ота-оналари, яқинлари, тенгдошлари қизғин табрикламоқда. Қалбларимиздан чексиз ғурур ва ифтихорга йўғрилган самимий дил изҳорларимиз, эзгу тилакларимиз беихтиёр тилимизга, қўзимизга кўчади: «Баракалла, қудратли юртнинг муносиб фарзандлари, ғалабангиз бундан ҳам зиёда бўлсин!»

Нанкин Олимпиадасида боксчи Бектемир Меликўзиев, юнон-рум кураши устаси Илҳом Баҳромов, дзюдочи Суҳроб Турсунов ва ўқ отиш баҳсларида қатнашган Владимир Свечников шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

— Олимпиадада юқори натижаларни қўлга киритиб, Ватанимизга ёруғ юз билан қайтиб келганимиздан бахтиёрмиз, — дейди бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпиони, II ўсмирлар Олимпиадаси ғолиби Бектемир Меликўзиев. — Спортни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишимиз, халқаро майдонларда юксак ғалабаларга эришишга қодир спортчи бўлиб вояга етишимизга қаратаётган доимий эътибор ва ғамхўрлиги учун Президентимиздан беҳад миннатдормиз.

Ёш спортчиларимиз бокс, дзюдо, таэквондо, спорт гимнастикаси ва оғир атлетика баҳсларида муваффақиятли иштирок этиб, учтадан кумуш ва бронза медални қўлга киритди.

— Спортчиларимиз Ўзбекистонимизнинг дунё миқёсидаги обрўси янада ошишига муносиб ҳисса қўшиб, юртимизда куч ва истеъдод бобида ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод вояга етаётганини жаҳон аҳлига намоён этди, — дейди Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси ўринбосари Фарҳод Турдиев. — Улар бундай нуфузли мусобақада иштирок этиш ҳуқуқига истиқлол туфайли эришганини чуқур ҳис қилган ҳолда, энг улуғ, энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрамига муносиб совға билан қайтди. Бу мамлакатимизда жисмонан ва маънан етук, ўзбек спортининг ёрқин келажагини таъминловчи истеъдодли ўғил-қизлар вояга етаётгани, уларни келгусида янада юксак ғалабалар кутиб турганидан далолатдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Б.АЙТМУРОДОВ,
Ж.ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбирлари.
ЎзА фотомухбири Муҳаммад АМИН олган сурат

---

31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Ҳар куни эрта тонгда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси ёнидан ўтиб ишга келаман. Оқшомда уйга қайтаман. Бугунги фахр-ифтихорим, кечаги кундаги кўнгил хижиллигига айнан шу манзил сабаб. Гап шундаки, Ёзувчилар уюшмаси томонидан 1994 йилда бизга Юнусобод туманидан уй беришганда роса қувонганмиз. Оиламиз билан янги уйни кўришга бордик. Юнусобод жуда файзли, баҳаво жой экан. Аммо Бўзсув ёқасидаги тўқайзорга ўхшаш ғовлаб кетган дарахтзорни кўриб, кўнглим хижил бўлди. Чунки анҳорда 5-10 чоғли эркаклар чўмилар, атрофда эса кўнгилни сескантирадиган даражада совуқ сукунат ва хунук манзара зоҳир эди. Машинадан ушбу ҳолатни кузатарканман, болаларим вақт-бевақт бу жойлардан қандай ўтиб-қайтаркан, деб ўйлардим.

ҲУРРИЯТ ЗАВҚИ

Бу орада бирин-кетин мен ишга қатнайдиган Амир Темур шоҳ кўчаси бўйлаб кенг кўламли қурилиш, ободонлаштириш ишлари бошланди. Йўл бўйида муҳташам иморатлар қад ростлади.

1995 йилда хиёбонда буюк саркардага ҳайкал ўрнатилди. Икки йилдан кейин хиёбон ёнида Темурийлар тарихи музейи бунёд этилди. Юнусобод массиви томон бораверишда Халқаро савдо-кўргазма мажмуаси, «Интерконтинентал» меҳмонхонаси, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, халқаро Бизнес-маркази, «Тошкент-плаза» савдо кўргазмаси ҳамда болалар боғи ва «Аква парк», замонавий теннис корти, усти ёпиқ сув ҳавзалари, йўлнинг бу томонида эса «Шаҳидлар хотираси» хиёбони юзага келди. Хуллас, Юнусобод пойтахтимизнинг энг гўзал, файзли ва кўркам ҳудудига айланди.

Бир вақтлар зиёлилар, ватанпарварлар қатағон этилган жойда ажойиб обида барпо этилди.

Фитратнинг қизи Севара Қароматиллахўжаева айтганди: «Бу зиёратгоҳ инсон туйғуларини она юртга боғлаб туради. Бугунги ёруғ кунларга етиб келмаган, шу йўлда фидо бўлган собит ва оловқалб оталар жасоратини ёдга солади. Ватан ва озодлик қимматини англатади».

Ҳа, бугун бу манзилда кунлар файзиёб, тунлар чароғон. Одамлар бу ерга ўзгача бир кайфиятда келишади. Гўё руҳларни чўчитиб юбормаслик учун оҳиста қадам қўйишади. Гўзал шакл берилган гулзорлардаги турфа гулларгдан тортиб, шабадада елпиниб турган яproқлар, ҳатто буралиб оқаётган Бўзсувда жилваланаётган шуълаларда ҳам ажиб ҳикмат яширингандай. Гўё қалби оташ шоир Усмон Носир «Унутмас мени боғим...» дея яproқларга шеър ўқиётгандек, «Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар, Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку...», деб маърифатпарвар шоир руҳингизга кириб келади.

Хиёбон оралаб юрар экансиз, Ватан, миллат озодлиги йўлида жон фидо этган миллатпарвар оталар бирма-бир қаршингизда сафланади. Хаёлан таъзим бажо айлаб, бош эгасиз. Шунда «Нега ерга қарайсан...», дея Қодирий бобо овоз беради. Руҳиятингиздаги аломатларни дарҳол сезасиз. «Бугун бош эгиб яшаб бўлмайди. Юрти мустақил, тили, дини, иймон-эътиқоди ҳур бўлган киши бошини баланд кўтариб мағрур яшайди». Бундай ёркин хаёллар одамга куч беради, буюк аждодлар руҳиятидан юрагинг қувватланади. Атрофни шодмон кузатасан. Фарзандларини кечки сайрга олиб чиққан ёш она диққатингни тортади. Унинг вояга етмаган, ёш болалари билан беҳавотир айланиб юриши, албатта, Озодликнинг туҳфаси, юртимиздаги осойишталик ҳосиласи эканлигига икрор бўласан, киши. Чорак аср муқаддам унингдек ёш келинчаклар бу манзилга кундуз куни келишга ҳам қўрқишган. Назаримда, Озодликнинг бундай туҳфаларини англамоқ учун кўнгил кўзимиз очиқ, руҳимиз Ҳуррият завқи ила покланган бўлмоғи керак.

«Қатағон қурбонлари хотираси» музейидамиз. Бу ердаги ҳар бир экспонат, ҳар битта қоғоз қатағон йилларининг машъум воқеаларидан сўзлайди. Қон сачраган деворлар, тарихнинг «сирли» сандиқларида сарғайган суратлар даврга ўрнатилган ҳайкал мисол ҳақиқатни кўз ўнгингда намоён қилади.

(Давоми 6-саҳифада).

Табриклаймиз, ҚУТЛАЙМИЗ

Ishonch
2014-yil 30-avgust № 107-108 (3457)

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Соҳа ходимлари ва барча ватандошларимизни яконаякон юртимиз истиқлолининг 23 йиллиги билан қизғин қутлайди! Дилларимизни Ватанга нексиз муҳаббат ва масъулият ҳисси тарк этмасин.

Барчамизга оилавий хотиржамлик ва мустаҳкам соғлик ёр бўлсин!

Самарқанд ҳудудий Электр тармоқлари корхонаси маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилоти

Халқимизни Ватан мустақиллигининг 23 йиллик шодиёнаси билан муборакбод этади.

Эзгу орзуларимиз ижобати билан бўлсин, юрт фаровонлигига кўз тегмасин!

«Навоийазот» ОАЖ маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Мамлакатимиз аҳлини Мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрами билан самимий қутлайди.

Барча-барчага мустаҳкам соғлик, ишларида муваффақият, оилавий бахт ва бундан-да юксак фаровонлик тилаймиз!

Бухоро минтақавий темирйўл узели ҳудудий касаба уюшма қўмитаси

Соҳамизнинг барча ходимларини, ҳамкорликдаги корхона, ташкилот ва муассасалар меҳнат аҳлини, келажаги буюк мамлакатимизнинг кекса-ю ёшини энг улуғ шодиёна – Мамлакат мустақиллигининг 23 йиллиги байрами муносабати билан самимий табриклайди!

Истиқболи порлоқ юртимиз осмони ҳамиша беғубор, бунёдкор халқнинг турмуши янада фаровон бўлсин. Тинчлик хотиржамлик, бахт-саодат бизни тарк этмасин!

Реклама ва эълонлар

«Farg'ona mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Фарғона вилоят прокуратурасининг 26.08.2014 йилдаги 27-сонли алоқа хатига асосан, Фарғона шаҳар, «Орият» кўчаси, 16-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автомототранспорт воситалари кўйилмоқда:

1. «GM UZ NEXIA» русумли, 2004 йилда и/ч, д/р 40 511 FAA, кузов 149058, ранги оқ. Бошланғич баҳоси — 14 060 470 сўм.
2. «GM UZ NEXIA» русумли, 2004 йилда и/ч, д/р 40 512 FAA, кузов 148948, ранги оқ. Бошланғич баҳоси — 15 480 234 сўм.
3. «GM UZ NEXIA DONC» русумли, 2004 йилда и/ч, д/р 40 518 FAA, кузов 018044, ранги кулранг. Бошланғич баҳоси — 16 049 514 сўм.

Савдо 2014 йил 30 сентябр куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 29 сентябр соат 17:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖнинг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, СТИР: 302134194, х/р: 20208000704943063001.

Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй. Тел: 8-373-244-43-58. www.rmm.uz. Гувоҳнома: 1177.

Изоҳ: д/р — давлат рақами, и/ч — ишлаб чиқарилган йили.

Хизматлар лицензияланган.

«Surxondaryo mulk markazi» MChJ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг 2014 йил 29 апрелдаги №28-05-52-сонли розилик хати, Сурхондарё вилоят Прокуратурасининг 2014 йил 18 августдаги № 341-сонли буйруғи ҳамда Сурхондарё вилоят Прокуратурасининг 2014 йил 28 августдаги № 27-01-сонли буюртма-номасига асосан Сурхондарё вилоят Прокуратурасига тегишли, Термиз шаҳар, «Тараққиёт» кўчаси 34-уй манзилида сақланаётган ЛАСЕТТИ русумли, д/р 75 201 AAA бўлган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган автомашина. **Бошланғич баҳоси — 35 235 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 2 октябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулк 2014 йил 2 октябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 17 октябр кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 2 октябр куни учун 2014 йил 30 сентябр, 2014 йил 17 октябр куни учун 2014 йил 15 октябр куни соат 18:00 да.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини SMM МЧЖнинг ХОАББ «Траст банк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси 6-хона. Тел: (8376) 221-77-94. 25 октябр 2011 йилдаги реестр рақами 972-сонли гувоҳнома. **Хизматлар лицензияланган.**

«МУБОРАКНЕФТГАЗ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Истиқлолимизнинг 23 йиллиги билан барча ватандошларимизни қизғин муборакбод этади!

Кундан-кунга тараққий этаётган мамлакатимизга кўз тегмасин.

Меҳнатсевар халқимизнинг ҳар куни байрамдек ўтсин. Бахти порлоқ миллатнинг обрўси бундан-да юксалсин, ютуқлар ва зафарлар доимий ҳамроҳимиз бўлсин!

Реклама ва эълонлар

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси, «Xorazm mulk markazi» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат улуши қўйилади.

Хоразм вилояти, Хонқа тумани, Широқ кўчаси 58-уйда жойлашган «Буюк Карвон» МЧЖ устав фондидаги 25% давлат улуши.

Бошланғич нархи-1 394 580 500 сўм.

Балансда сақловчи: «Буюк Карвон» МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: Хизмат кўрсатиш.

Савдо ташкилотчиси: «Xorazm mulk markazi» МЧЖ. Урганч шаҳри, Й.Бобожанов кўчаси 23-уй. Телефон: (8 362) 228-10-82. Электрон почта: horazm@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.rmm.uz. Гувоҳнома 5401.

Аукцион савдоси 2014 йил 30 сентябр куни, соат 11:00 да, «Xorazm mulk markazi» МЧЖнинг савдолар залида ўтказилади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат улуши бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Xorazm mulk markazi» МЧЖ)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АТИБ «Ипотека банк» Тинчлик филиали; х/р: 20208000704940971001, МФО: 00580, СТИР: 302126315.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади.

Юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Урганч шаҳри, Й.Бобожанов кўчаси 23-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8 362) 228-10-82. Факс: (8 362) 228-10-82.

Электрон почта: horazm@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.rmm.uz. www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Ғарбгазтаъминот» унитар корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Энг улуғ ва энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 23 йиллиги муносабати билан барча ватандошларимизни муборакбод этади.

Гуллаб-яшнаётган юртимизга асло кўз тегмасин! Озод ва фаровон ҳаётимиз бардавом бўлсин, шон-шуҳратимиз кенг жаҳон бўйлаб қанот ёяверсин!

Бунёдкор халқимизга бахт-саодат, мустаҳкам соғлик, ҳамиша хуш кайфият тилаймиз! Байрам шодиёналари ҳар бир хонадонга файз-барака олиб кирсин!

Ishonch
2014-yil 30-avgust № 107-108 (3457)

ҲУРРИЯТ ЗАВҚИ

(Давоми. Бошланиши 3-саҳифада).

Чўлпоннинг ўлими олдидан туширилган сурати дилимизни пора-пора этади. «Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон» бўлган бу шоиримиз ҳаёти қатағоннинг олмос тиғи остида эзилиб, янчилиб, тилка-пора бўлди. Аммо Чўлпон ўзини кутаётган қонли қисматни, қатағоннинг зулматини ўлмасдан анча олдин кўра олган, ҳис қилган. Шу боис «Йўқ... ўлим йўқ... улуғлар учун» деб башорат қилган. 20-йиллардаёқ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий хотирасига бағишлаб ёзган қуйидаги шеъри орқали китобхонларига бу ҳақиқатни англатиб кетган:

Аламимнинг юлдузиким, кўз тикди,
Қора жирканч, ўлим кони — ерларга.
Савол бердим: «Йўқотганим қайда» деб,
Ўзимни ҳам ютмоқ бўлган ерларга...
Шунинг учун юлдуз каби ярқираб,
Элда қолган исминг билан тураман.
Шул исмни эслаб чизган йўлингдан,
Йироқ кетмай, қимирламай юраман...

Шоир қалбидан ҳақиқатнинг сўнмас ёғдулари мисол отилиб чиққан бу сатрлар улуғ инсон қабрини «қора тунларда» аламининг «шаъми»ни ёқиб излайди, «қора, жирканч, ўлим кони — ерларга» зорланиб, «Йўқотганим қайда?» деб савол беради. Ҳақли сўровлар эса даврнинг қонли ва темир деворларига урилиб, ўзининг ҳам «сирли» ўлимига сабаб бўлади.

«Халқ хотираси олдида бош эгамиз» номли китобни варақлайман.

«...Ўша даврнинг аламли хотиралари ҳамон ёдимда. Дардимни достон қилсам, одам боласининг бунчалик қаҳри қаттиқлигига, бир-бирига нисбатан бу қадар золимлик қилиши мумкинлигига ишонгингиз келмайди. Аммо бу — аччиқ ҳақиқат... Отилганлар керагидан ортиқ даражада бадном этилди ва кўпчиликнинг фикрига сингдирилди. Шу ноҳақлик оқибатида кўкармай ўтиб кетганлар қанча...».

Бу сатрлар юраги Ватан деб ловиллаб ёниб ўтган, Ватанни саждагоҳ, деб унинг озодлиги учун курашган донишманд Фитратнинг якка-ю ягона қизи Севарахонимнинг дил ҳасрати.

У ота-онаси ҳибсга олинганда тўққиз яшар қиз бўлган. Шунга қарамай қатағон алам-изтиробларини бошидан кечирган. Отаси қамалганда уларнинг уйидан нафақат «жиноят»га алоқадор ашёлар, балки хотинларнинг кийим-кечаклари, уй анжомлари, ҳатто, пичоқ, санчқигача олиб кетишган. Отаси ўлмасданоқ қизалоққа «ЧСВН» деган тавқи лаънат ёпиштирилган. Бу «халқ душманининг оила аъзоси» деган маънони англатар, ана шундай тамға ёпиштирилган одам ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум этилган, хўрланган, оёқ ости қилинган. Энг ёмони, бундайлардан ҳамма ўзини олиб қочган.

Аламли истироб ичра китобнинг бошқа бетини очаман. «...Отамни 1939 йилда қамашган. Қишда, январда НКВД ходимлари уйимизни тинтув қилишди. Биз, ёш болаларни ҳам ота-онамиз олдида ечинтириб кўришган.

Онам ҳомиладор эди. Унга ҳам ечинасан, дейишган, ечинтиришган. Отамнинг йиғлаб: «Гулсумхон, кечир, жоним, ҳимоя қила олмайман сенларни, кечир», деган сўзи ҳамон ёдимда... Онамнинг уятдан адо бўлиб, шир-ялангоч турган ҳолати ҳамон кўз олдимдан кетмайди». Бу хотираларни тошкентлик Раъно Ашурбекова йиғлаб ёзган. Унинг отаси халқ таълими ходими бўлган. Онаси ана шундай хўрликдан сўнг эс-ҳушидан айрилган. Болалар кўчада қолиб кетиб, минг азобда катта бўлган.

Жазо органлари оддий халқни ҳам ана шундай турли йўллар билан азоблаб, қамоққа олган, жисмоний қийноққа солган, иззат-нафсини таҳқирлаган. Руҳий эзиш, иродасини синдириш, инсоний ғурурини камситиш қатағоннинг қуроли бўлган.

Хотиралар оғир, хотиралар зулмат қаъридан кўринган шарпалардек қўрқинчли... ва яна бу хотиралар нондек, сувдек, ҳаводек муқаддас, қуёшдек азиз ва мукаррам. Уларни юракларимизга ёзиб, ўқиб-ўқиб олмас эканмиз, мустақилликнинг энг олий неъмат эканлигини, ҳуррият завқини, Ватаннинг она янглиғ якка-ю ягоналигини ҳис қилолмаймиз.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ўртасида ўтказилган спорт тадбири қизиқарли кечди. Унда иштирокчилар спортнинг 9 тури бўйича ўзаро беллашди.

ЧАҚҚОНЛИК, ЭПЧИЛЛИК НАМОЙИШИ

Туманимиздаги 13 та МТМнинг 60 нафар тарбиячиси «Соғлом она — соғлом бола» шиори остида чаққонлик ва эпчилликларини намойиш этишди.

Умумжамоа ҳисобида 11-«Ғунча», 12-«Наргиз», 6-«Қуёшча», 10-«Қалдирғоч» мактабгача таълим муассасалари жамоалари ғолиб деб топилиб, совриндор бўлишди.

— Бундай спорт тадбирлари фаолиятимиз унумдорлигини таъминлашга хизмат қилади, — дейди «Гулдаста» МТМ тарбиячиси Гўзал Бердиёрова. — Касаба уюшмаларининг ташкилотчилиги туфайли меҳнатларимиз самарасини кўриш ва ҳис қилиш имконига эга бўлдик.

Бердали АБДУВАЛИЕВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зарбдор туман кенгаши раиси

Қўқон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Жорий йилда бу ерда 56 мингдан зиёд туғиш ёшидаги аёллар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилди. Айни пайтда поликлиникада умумтаълим мактаблари ўқувчилари тиббий мутахассислар текширувидан ўтмоқда.

Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган поликлиникада фитобар фаолияти йўлга қўйилгани ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Суратда: Қўқон шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникасида.

ЎзА фотомухбири
Муқимжон ҚОДИРОВ
олган сурат

Соғлом бола йилида мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, қолаверса, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ватан меҳрини қалбга жо этиб...

Шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳридаги 22-«Меҳрибонлик» уйида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида ташкил этилди.

— Мазкур тадбир ёшларимиз учун чинакам байрам совғаси бўлди, — дейди 22-«Меҳрибонлик» уйи маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Хурсаной Холова. — Уни ўтказишдан мақсад ғоят кенг қамровли бўлиб, хусусан, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавий ва маърифий даражасини юксалтиришдан иборат.

— Чилонзор туманидаги 128-мактабнинг 9-синф ўқувчисиман. Ўзбек созларига жуда қизиқаман. Бугунги тадбирдан мен ва ўртоқларим бир олам таассурот олдик, — дейди Неъмат Сайфуллаев. — Айниқса, оркестр раҳбари Феруза Абдураҳмонованинг биз билмаган созларни таништиргани мусиқани янада яхши тушунишимизга катта ёрдам берди.

«Сўғдиёна» халқ чолғулари камер оркестри томонидан ижро этилган кўнгилочар концерт дастури тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги олдидан ўтказилаётган «Марғилон оқшомлари» катта-ю кичикка манзур бўлаётир.

«МАРҒИЛОН ОҚШОМЛАРИ»

«Ёшлар хиёбони»да ўтган шундай тадбирда шаҳар ҳокими Шавкат Эркабоев барчани энг улуғ, азиз байрамимиз билан қутлаб, истиқлол туфайли амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, бекиёс ўзгаришлар халқ манфаатига хизмат қилаётганини таъкидлади.

Байрам тадбирида коллеж ва академик лицей ўқувчилари, шаҳар маданият ва аҳоли дам олиш маркази бадиий дасталари иштирокида чиқишлар намойиш этилди. Ҳаваскор ёш шоирлар ижод намуналаридан ўқиб беришди.

Шундай тантаналар Темирйўл шоҳбекатидаги майдонда, Етакчилар шаҳарчаси дам олиш майдонида, «Иқбол» маҳалла фуқаролар йиғинида, 1-тиббиёт коллежида ҳам бўлиб ўтди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
A.Abdullayev
Navbatchi:
A.Arslonov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti -02.50
Topshirildi - 04.20

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 815 | 13970 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5